

БУХОРОНИНГ БИРОДАРЛАШУВИ-ЎЗАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ФЕНОМЕНИ

Ходжаева Санобар Насруллаевна

*“ТИҚХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни
Бошқариш институти ассистенти*

Аннотация: Мақолада шаҳарлар ўртасида қардошлик муносабатларини ўрнатилиш тарихи, Бухоронинг Кордоба (Испания), Рюэй-Мальмезон (Франция), Лаҳор (Покистон), Санта-Фе (Нью-Мексико, АҚШ), Малатия (Туркия), Лоян(Хтой), Бонн(Германия) шаҳарлари билан биродарлашуви ёритилган. Испания ташқи ишлар вазири Мигел-Анхел Моратиноснинг қадимий Бухоро ва Кардова шаҳрининг уйғун жиҳатлари ҳақидаги фикрлари ҳақида маълумот берилган. Биродарлашган шаҳарларнинг ўхшаш жиҳатлари ва улар ўртасидаги ижтимоий ҳаёт, тарих ва маданият билан танишув, ҳамкорлик муносабатлари таҳлил қилиниб, фан, таълим, маданият, тиббиёт, туризм, коммунал, шаҳарсозлик соҳаларида ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг ҳаётга изчил татбиқ қилинишининг муҳимлиги очиқ берилган.

Калит сўзлар: Бутунжаҳон қардош шаҳарлар федерацияси, биродарлашган шаҳарлар, манфаатли ҳамкорлик, меҳмондўстлик анъаналари, ривожланиш, ҳамкорлик лойиҳалари.

Аннотация: В статье рассмотрена история установления побратимских отношений Бухары между Кордова (Испания), Рюэ-Мальмезон (Франция), Лахор (Пакистан), Санта-Фе (Нью-Мексико, США), Малатья (Турция), Лоян (Китай) и Бонн (Германия) ам. Сообщается о взглядах министра иностранных дел Испании Мигеля-Анхеля Моратиноса на гармоничные аспекты древнего города Бухары и Кордовы. Анализируются сходные стороны городов-побратимов и общественной жизни, приобщение к истории и культуре, отношения сотрудничества между ними, а также важность последовательной реализации проектов взаимного сотрудничества в сферах науки, образования, культуры, медицины, туризма, коммунального хозяйства.

Ключевые слова: Всемирная федерация городов-побратимов, города-побратимы, взаимовыгодное сотрудничество, традиции гостеприимства, развитие, проекты сотрудничества.

КИРИШ

Шаҳарлар ўртасида қардошлик муносабатларини ўрнатиш анъанаси дастлаб иккинчи жаҳон уруши давом этаётган пайтида пайдо бўлган. 1942 йилда Британиянинг бомбардимон натижасида бутунлай вайронага айланган Ковентри шаҳри аҳолиси жанговар руҳдаги Сталинград аҳолисига ҳамдардлик изҳор қилиб Сталинградга далда берувчи сўзлар битилган телеграмма юборган. 1943 йилда

Ковентри аҳолиси сталинградликлар учун рамзий совға — 830 нафар инсоннинг имзоси туширилган дастурхон тайёрлайдилар: бунда ҳар бир имзо ўз эгасининг сталинградликлар учун тиббий ёрдам фондига қўшган ҳиссасини билдирган. 1944 йилда эса мазкур икки шаҳар қардош шаҳарларга айланади.

1957 йилда қардош шаҳарлар вакиллари томонидан Бутунжаҳон қардош шаҳарлар федерациясига асос солинди. 1970 йилда федерация Европа, Осиё, Африка ва Американинг 50 дан ортиқ мамлакатларидаги мингга яқин, 2000 йилда эса 160 дан ортиқ давлатдаги 3500 дан ортиқ шаҳарларни биродарлаштирди. 2004 йилда ташкилот ўз фаолиятини тўхтатди ва нисбатан йирик ташкилот — «Бирлашган шаҳарлар ва маҳаллий ҳокимиятлар» бирлашмаси таркибига қўшилган. 1963 йилдан бери апрель ойининг охиригача яқин Бутунжаҳон биродарлашган шаҳарлар куни сифатида нишонлаб келинади. Кейинчалик мазкур анъана дунёнинг бошқа минтақаларида ҳам кенг тарқалди.

Биродарлашган шаҳарлар (побратим шаҳарлар) – ўзаро доимий дўстлик алоқалари ўрнатилган шаҳарлар ҳисобланади. Бугунги кунда улар орасида ижтимоий ҳаёт, тарих ва маданият билан танишув, ҳамкорлик муносабатлари кечмоқда. Шаҳарлар ўртасидаги ҳамкорлик меҳмон делегациялар, спорт жамоалари, шаҳар ҳаёти ҳақидаги кўргазмалар, адабиёт, кинофильмлар, шаҳар ҳаёти ҳақида маълумотлар алмашувида ҳам кўринади. Ўзаро ҳамкорлик жойларда қўшимча даромад ва иш ўринлари яратилишига олиб келиши шубҳасиз. Бу эса, мавзунинг ўрганилиши долзарб аҳамият касб этишини белгилайди.

Методлар: Мавзуга оид маълумотларни таҳлил қилишда тарихий-қийосий услуб, манбаларга ҳолисона ёндашиш орқали Бухоро биродарлашувининг илм, фан, маданият соҳасида ҳамкорлиги илмий ўрганилди.

Тадқиқот натижалари: Ўзбекистон шаҳарлари дунёнинг турли минтақалари билан қардошлик алоқаларининг бой тарихига эга. Тошкент дунёдаги 26 шаҳар билан, Самарқанд эса 29 шаҳар билан қардошлик алоқаларини ўрнатган[1]. Бугунги кунда шаҳарлар ўртасида қардошлик муносабатларининг ўрнатилиши — мамлакатларнинг минтақавий даражада ўрнатилган дипломатик алоқаларининг тасдиғи демакдир. «Қардошлик» муносабатларининг ўрнатилишига бағишланган тантанали маросимларда одатда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва маданий алмашинув тўғрисидаги баёнотлар янграйди.

Бухоро шаҳри Кордоба (Испания), Рюэй-Мальмезон (Франция), Бонн(Германия) Лаҳор (Покистон), Малатия (Туркия)[2], Санта-Фе (Нью-Мексико, АҚШ), Лоян(Хтой), шаҳарлари билан биродарлашган.

2006 йилда Ўзбекистон Испания Қироллиги билан ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукумат қарорини қабул қилди.

Президент Ислам Каримов 2006 йилнинг май ойида Бразилияга расмий ташрифи доирасида Испанияда тўхтаб ўтди. Мадридда у Испания қироли Хуан Карлос

билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари ва томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Июл бошида Испания ташқи ишлар вазири Мигел-Анхел Моратинос Ўзбекистонга ташрифи чоғида делегация аъзолари билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёнинг энг қадимий ва машҳур шаҳарларидан бири бўлган Бухорога ҳам келди, у ерда диққатга сазовор жойларни томоша қилди. Моратинос “Муқаддас Бухородан Кордовагача” мақоласида қадимий Бухорони зиёрат қилиш таассуротларини баён этган: –“Дунё бўйлаб тез-тез саёҳатларимда кўп марта Кордовани эслатувчи ва унга ўхшаб кетадиган жойларга дуч келдим. Улар Лаҳордан (Покистон) Дамашқгача (Сурия). Араб дунёси ва Лотин Америкасида ҳам Кордовага ўхшашликни учратиш мумкин. Лекин қадимий Бухоро шаҳари билан ўхшашлик менда инсонда камдан-кам учрайдиган чуқур ва таъсирчан туйғуларни уйғотди.

Кордоба ва Бухоро қардош шаҳарлардир, расмий равишда бу 1986 йил 29 ноябрда Хулио Ангита Кордова мери бўлганида содир бўлган. Аммо бу воқеадан анча олдин икки шаҳар ўртасида узоқ йиллик тарихий алоқалар мавжуд эди – улар, биринчи навбатда, буюк Ибн Сино (Авиценна) ва нилометрнинг яратувчиси – Ал-Фарғоний ва бошқа сиймолар Андалус олимлари билан илмий ҳамкорлик олиб борган. IX-X-асрларга оид ушбу илмий жамият вакиллари географик жиҳатдан олис ўлкалардан бўлган Умавийлар халифалиги шарофати билан ташкил топиб, илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган.

Бухоро минг йиллик қадимий шаҳарлардан бири, жаҳон тарихининг гувоҳи ва қаҳрамонидир. Кўплаб империялар бу ажойиб шаҳарда ўз изини қолдирган. Шунингдек Марко Поло ва қирол Энрике III томонидан Буюк Амир Темур ҳузурига элчилик билан юборилган Руй Гонсалес де Клавихо ҳам Бухорога келган. Кордова ва Бухорода ўзига хос уйғунлик бор. Тарихий обидалардаги ажойиб хусусият Кордовадаги ёдгорликларида ҳам мавжуд”[3].

1986 йил ноябр ойида Кордова маданият кунлари Бухорода қарийиб бир ҳафта давом этган. Кордова шаҳрининг вице-мери Хоси Луис Вильегас Зеанинг таъкидлашича, Кордова совет шаҳарлари билан биродарлашган Испаниядаги биринчи шаҳар бўлди. Бухоро шаҳридаги Абу Али Ибн Сино номли маданият саройида шаҳар жамоатчилиги вакиллари ва испан делегацияси аъзолари биродарлашув битимини имзолади. Хужжатларни Бухоро шаҳар ижроя комитетининг раиси Ш.К.Хайруллаев ва Кордова шаҳрининг вице-мери Хоси Луис Вильегас Зеа имзолادилар[4]. Шартномада шундай дейилган: “Бухоро ва Кордова ўзаро ҳурмат ва қалин қўшничилик руҳини барча воситалар билан қарор топдириш, СССР ва Испания ўртасида яхши муносабатларни кенгайтиришга интилиш юзасидан зиммаларига юксак мажбуриятлар оладилар. Дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида ҳар иккала шаҳар делегацияларининг, шаҳар хўжалиги турли мутахассисларининг, туристик группаларининг, бадий ҳаваскорлик тўғараклари

коллективларининг, фан, маданият, санъат соҳаси ходимларининг, спортчиларнинг борди-келдилари мунтазам ташкил қилинади...”

Йиғилиш қатнашчилари Бухоро ва Кордова шаҳарларининг бутун жаҳондаги биродарлашган шаҳарларга мурожаатини ҳам қабул қилдилар[5]. Унда ядро қуролини барча жойда батамом йўқ қилиш, урушларнинг олдини олиш учун тинчликсевар халқларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга даъват этилган.

Бухоронинг Бонн шаҳри билан биродарлашуви фан, таълим, маданият, тиббиёт, туризм, коммунал, шаҳарсозлик соҳаларида ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг ҳаётга изчил татбиқ қилинишида муҳим роль ўйнаб келмоқда.

2003 йили 18-22 март кунларида Бухорода ўтказилган Наврўз – умумхалқ байрамига қатнашиш учун Бонн шаҳри Обербургомистери Барбел Дикман хоним ташриф буюриши ва ушбу ташриф давомида Бухоро ва Бонн шаҳарлари ўртасида биродарлик шартномаси имзоланиши ўтган йиллар давомида икки томонлама ҳамкорликнинг ҳақиқий дўстона тус олишига тўртки берди. Ўн саккиз йилдирки, икки шаҳар ўртасидаги биродарлик ришталари моҳияти ва аҳамиятига кўра долзарб лойиҳаларнинг ҳаётбахшлигини таъминлаб келмоқда. 2017 йили 23-28 май кунлари Бонн шаҳри Мэриясининг халқаро муносабатлар бўйича бўлими ўринбосари Лина Фурх раҳбарлигида «Бухоро – экологик мустаҳкам (барқарор) меҳмонхона ва ресторанлари билан» мавзудаги лойиҳа асосчиларидан иборат 6 кишилик делегация Бухорога ташриф буюрди[6]. Аслида Бухоро ва Бонн биродарлик алоқалари доирасидаги ушбу лойиҳа 2015 йил ноябридан 2017 йил майгача мўлжалланган бўлиб, мазкур ташриф доирасида лойиҳа якуни эришилган натижалар асосида таҳлил қилинди.

Бухоро Франциянинг Рюэй-Мальмезон шаҳри билан ҳам биродарлашган. 2015 йил Рюэй-Мальмезон (Франция)да Бухоро билан дўстона муносабатлар ўрнатилганининг 15 йиллигига бағишланган “Буюк ипак йўли” кўрғазмаси бўлиб ўтади. 2020 йил Франциянинг Бухоро билан биродарлашган Рюэй-Мальмезон шаҳрида дўстлик алоқалари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан «Ўзбек боғи» очилиб, унга буюк қомусчи олим Ибн Сино ёдгорлиги ўрнатилган[7]. Хориждаги илк шу каби “Ўзбек боғи”га Бухородан келтирилган ўрик, гилос, олма, узум, анжир ва бошқа дарахт кўчатлари ўтказилган. Маросимда иштирок этиш учун Францияга Бухоро ҳокими Ўктам Барноев бошчилигидаги делегация ташриф буюрган. Париж агломерацияси ва Рюэй-Мальмезон мэри Патрик Олье очилиш маросимида Бухоро билан алоқалар ушбу шаҳар биродарлик алоқаларини ўрнатган бошқа давлатлардаги қолган 15 шаҳарга нисбатан фаолроқ эканини таъкидлаб ўтди. Рюэй-Мальмезон мэриясида биродарлик алоқалари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан маданий дастур ташкил этилгани, унда ўзбек мусиқачилари ва ижрочилари чиқишлари, ўзбек ипагидан тайёрланган либослар намойиши ва француз рассоми Даниел Хурбаннинг Абу Али Ибн Синога бағишланган «Бухоро — атоқли шахслар замини» кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Бухоронинг Санта-Фе (Нью-Мексико, АҚШ) шаҳри билан биродарлашуви доирасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. 2021 йил 12-24 февраль кунлари Бухоро шаҳрига америкалик ҳужжатли фильмлар тайёрловчи таниқли режиссёр Грег Полк ижодий сафарни амалга оширган[8]. У Бухоро шаҳрининг тарихий ва маданий мероси, маҳаллий ҳунармандлар ва тўқувчилар ҳамда Бухоро ва Санта-Фе шаҳарлари (Нью-Мексико, АҚШ) ўртасидаги биродарлик алоқалари ҳақида ярим соатлик ҳужжатли фильм тайёрлашни мақсад қилган. Фильм премьераси 7-18 июль кунлари Санта-Фе шаҳрида ўтказиладиган Халқ амалий санъати халқаро ярмаркаси (International Folk Art Market, IFAM) доирасида ташкил этилиши режалаштирилган.

Санта-Фе шаҳрида 60 мамлакатдан 150 нафардан зиёд ҳунармандни бирлаштирган мазкур йиллик ярмаркада Ўзбекистон вакиллари мунтазам равишда қатнашиб келмоқда. Ушбу ярмаркада қарийб 3 миллион долларлик халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик маҳсулотлари савдоси бўлиб ўтади. Ўзбекистон делегацияси ҳар йили 250-500 минг доллар миқдордаги маҳсулотлари билан ярмарка етакчисига айланиб улгурган. Пандемия сабабли ярмарка ташкилий қўмитаси 2020 йилги тадбирни бекор қилишга қарор қилди ва рўйхатдан ўтган барча иштирокчилар 2021 йилги халқаро ярмаркада ўз маҳсулотларини тақдим этиш имкониятига эга бўлди.

Грег Полк Бухорога қилган ижодий сафари давомида шаҳар ҳокими, туризм соҳаси вакиллари, маҳаллий ҳунармандлар, рассомлар ва бошқа фаоллар билан қатор учрашувлар ўтказиб, интервьюлар олди. Америкалик режиссёрнинг таъкидлашича, “қадимий шаҳарга сафар Бухоро ва Санта-Фе ўртасидаги биродар шаҳарлар алоқаларини тарғиб қилиш ва амалий санъат орқали халқ дипломатияси родини янада мустаҳкамлаш учун ноёб имконият бўлди”. Кинорежиссёр америкалик соҳа мутахассислари ва олимлардан ўзбек тўқимачилик санъати шакл ва услубларининг бетакрор жиҳатлари, Санта-Фе шаҳри Халқ амалий санъати халқаро ярмаркаси раҳбари Стюарт Ашман ва Ўзбекистоннинг Нью-Мексикадаги фахрий консули Керол Лопездан бўлажак ярмаркада ҳунармандларимизнинг иштироки ҳақида интервьюлар олишни ҳам режалаштирган.

2022 йилнинг 6-10 июль кунлари АҚШнинг Нью Мехико штати Санта Фе шаҳрида бўлиб ўтган “International Folk Art Market” Халқаро халқ санъати ярмакасида Бухоро вилояти делегацияси қатнашди.

Бухоролик меҳмонларни Санта Фе мэри (ҳокими) Алан Вебер ва Ўзбекистоннинг Америкадаги фахрий консули Кэрол Робертсон Лопес кутиб олди. Санта Фе ҳокими Алан Вебер томонидан АҚШдаги туризм соҳасида фаолият юритиб келаётган соҳа вакиллари, маданият, спорт, музейлар раҳбарлари ва меҳмонхона эгалари иштирокида Бухоро ва Санта Фе ўртасидаги биродарлашув шарафига расмий, бизнес-зиёфат ташкил этилди.

Бухоро делегациясининг мақсади АҚШдаги ташрифи давомида Санта Фе даги Маданият ишлари департаменти билан ҳамкорликда музей ва галереялар билан

яқиндан танишиш ва Бухорода Санта Фе тажрибасини жорий этиш имкониятларини ўрганиб чиқиш, Санта Фе туризм департаменти раҳбари Ренди Рендалл билан учрашувлар, Бухоро ва Санта Фе ўртасида туризм, маданият, ҳунармандчилик, музейлар ва спорт йўналишида меморандумлар имзолашдан иборатдир.

Узоқ 80-йилларда, АҚШ ва СССР ўртасида совуқ уруш юмшаб, бу икки давлат алоқалари янги босқичга кўтарилганда, АҚШнинг OPEN WORLD жамияти томонидан Бухоро ва Санта Фе шаҳарларининг ўхшаш томонлари кўплиги ўрганиб чиқилиб, биродарлашув таклифи илгари сурилганди. Бу таклиф Совет ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланганича қолиб кетган. Мустақиллигимиздан сўнг, Санта Фе томони расмий алоқаларни янги босқичга кўтариш учун бир неча мартаба ташриф буюрган. Аммо, Бухоро томонидан фақатгина ҳунарманд жамоалари Санта Фе шаҳрида ҳар йил ўтказиладиган “International Folk Art Market” фестивалига яқка тартибда норасмий қатнашиб келган. Санта Фе томонидан Бухорога охириги ўн йил давомида деярли ҳар йил расмий ташриф уюштириб, ҳар сафар Бухоро шаҳар делегациясини Санта Фега таклиф қилиб келган. Бундан мақсад икки шаҳар биродарлашуви доирасида ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг туристик имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш, таълим йўналишлари ва ҳунармандлар ўртасида доимий тажриба алмашинувларни йўлга қўйиш, инвестицион лойиҳалар ва халқаро грантлар устида биргаликда самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш бўлган. Айни мақсад таклифларни яқиндан ўрганиш, икки шаҳар орасидаги алоқаларни жонлантириш ва келгусида кўзда тутилган ташрифларни тайёрлашдан иборат.

Бухоронинг биродарлашган шаҳарларидан бири Лояндир. Икки шаҳар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳақидаги таклифни ХХР раиси Си Цзиньпин 2016 йил 22 июнда Ўзбекистонга ташрифи чоғида билдирган.

Лоян 5 минг йиллик тарихга эга бўлиб, атрофдаги шаҳарчалар билан биргаликда аҳолиси 6,5 млн кишини ташкил этади. Бу шаҳар қадимий обидалар, замонавий университетлар, музейларга бой. Ихэ дарёси бўйидаги оҳактош қояларига милоннинг 495—898 йилларда ўйиб ишланган обида бор. У Хитойдаги энг муҳим учта ғор-ибодатхона мажмуаларидан биридир. Расмий ҳисоб-китобларга кўра, бу ерда 43 ибодатхонани ўзида бирлаштирган 2345 та ғор ва чуқурликлар бор, уларда эса диний мазмундаги 2800 га яқин ёзув ва қарийб 100 мингта суратлар акс этган[9].

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга давлат ташрифи доирасида 13 май куни Бухоро ва Лоян шаҳарлари ўртасида биродарлик муносабатлари тўғрисидаги меморандум имзоланди. Бухоро — жаҳон тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган Сомонийлар давлати ва Бухоро хонлиги, амирлигининг маркази, номи Ўзбекистон бўлган замонавий давлатнинг илк пойтахти. Лоян эса Хитойнинг тўртта буюк қадимий пойтахтидан бири саналади. Бухорога тахминан 2,5 минг аввал асос солинган, деб тахмин қилинади. Лояннинг тарихи тарихий солномаларга кўра, милoddан аввалги 2070 йилдан бошланади. Хитойнинг Хенан вилояти ғарбида жойлашган Лоянда, 2010 йил маълумотларига кўра, 1 миллиондан зиёд аҳоли

истиқомат қилади (шаҳар округидаги аҳоли сони эса 7 миллионга яқин). Шаҳарда саноат тараққий этган, бироқ унинг асосий устун жиҳати - бутун дунё сайёҳларини ўзига жалб этадиган тарихий ёдгорликларидир. Бу жиҳати бўйича Лоян яна бир бор Бухорога ўхшаш. Бухоронинг тарихий маркази 1993 йили ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси объектлари рўйхатига кирган. Бу рўйхатдан 2000 йили Лояндаги обида — Лунмэнь буддавий ғор ибодатхоналари («Аждаҳо дарвозалари олдидаги тош ғорлар») ўрин олган. Бухорода ҳар йили «Ипак ва зираворлар» фестивали ўтказилади. Пионгуллар эса Бухоро билан биродарлашган Лояннинг ташриф қоғозидир — шаҳарда 1983 йилдан бери ҳар йил апрель ойида пионгуллар кўргазмаси бўлиб ўтади ва у сайёранинг турли томонларидан миллионлаб сайёҳларни ўзига чорлайди.

Бухоро вилояти туманлари ҳам биродарлашувда фаол. 2019 йил июлда Бутунжаҳон этноспорт конфедерацияси раҳбари, Туркиянинг камончилар фонди васийлик кенгаши раиси Билол Эрдўғон бошчилигидаги делегацияси Бухорода бўлди. Вилоят раҳбари ва Билол Эрдўғон ўртасидаги мулоқотда Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ўртасида савдо-саноат, ижтимоий-маданий йўналишлардаги алоқалар ҳақида фикр алмашилди. Ёждувон туманида туркиялик меҳмонлар билан учрашув ўтказилди. Амалий тарзда ўтган мулоқотда Ёждувон тумани ҳамда Истамбул вилоятининг Беёлу тумани ўртасида «Биродарлашган шаҳар» меморандуми имзоланди[10]. Унда икки томонлама, хусусан, маданий алоқаларни ривожлантириш кўзда тутилган.

ХУЛОСА

Бухоро ва бошқа шаҳарнинг бир бирлари билан биродарлашувлари маданият тарғиботини кучайтиради. Туризм ривожланади. Қўшимча даромад ва бўш иш ўринлари яратилади. Маданият соҳасида янги ғояларни пайдо бўлишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Григорий Морозов, Қардош шаҳар. Қардошлик муносабатлари нимани англатади? «Газета.uz» . <https://www.gazeta.uz/uz/2022/04/24/twin-towns/.24> апрель 2022. 20:41.
2. Н.Холмирзаев. Қардош шаҳарлар – ўзаро меҳмондўстлик ва самарали ҳамкорлик омили. science and innovation.international scientific journal VOLUME 1 ISSUE 5.UIF-2022: 8.2 | ISSN: 2181-3337.-222 б
3. Мигель-Анхель Моратинос. «От благородной Бухары до Кордобы». 26 07. 09. <https://www.diariocordoba.com/opinion/2009/07/26/noble-bujara-cordoba-38085321.html>.
4. Бухорода Кордова маданияти кунлари. Бухоро ҳақиқати газетаси. 30 ноябрь 1986 йил, № 233. (17. 019) 4-бет
5. Б.Жумаев. Бухоро-Кордова-биродарлашган шаҳарлар. Бухоро ҳақиқати газетаси. 2 декабрь 1986 йил, № 234. (17. 020) 4-бет.
6. Б.Зарипов. Кўп қиррали муносабатлар – ўзаро ҳамкорлик., «O‘zbekiston iqtisodiy axborotnomasi». 2/2021. <https://evu.uz/en/magazine/o-zbek-k-p-irrali-munosabatlar-zaro-amkorlik.html>
7. З.Комилов. Бухоро – Санта Фе ҳамкорлиги янги босқичда. 12.07.2022. https://uza.uz/uz/posts/buxoro-santa-fe-hamkorligi-yangi-bosqichda_389150
8. <https://zamin.uz/jamiyat/57284-bilol-erdugon-boshchiligidagi-delegaciya-buhoroga-keldi.html>. 25.07.2019
9. Бухоро Хитойнинг Лоян шаҳри билан биродарлик муносабатларини ўрнатди. <https://daryo.uz/k/2017/05/13/buxoro-xitoyning-loyan-shahri-bilan-birodarlik-munosabatlarini-ornatdi>.
10. Билал Эрдўғон бошчилигидаги делегация Бухорога келди. <https://zamin.uz/jamiyat/57284-bilol-erdugon-boshchiligidagi-delegaciya-buhoroga-keldi.html>. 14:24 / 25.07.2019.
11. Ходжаева, С. Н. (2022). Из истории культурных изменений в Узбекистане. Science and Education, 3(8), 211-216.
12. Ходжаева, С. Н. (2021). Турки Джанди как одно из мест паломничества в Бухаре. in Общество, государство, личность: проблемы взаимодействия в современных условиях (pp. 128-131).
13. Ходжаева, С. Н. (2021). ТУРКИ ДЖАНДИ КАК ОДНО ИЗ МЕСТ ПАЛОМНИЧЕСТВА В БУХАРЕ. In ОБЩЕСТВО, ГОСУДАРСТВО, ЛИЧНОСТЬ: ПРОБЛЕМЫ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ (pp. 128-131).